



## “БЎШ ВАҚТ” ТУШУНЧАСИНИНГ ПЕДАГОГИК МОХИЯТИ

**АВУЛОВА НАРГИЗА ТОХИРОВНА,**

*СамДУ Психология ва ижтимоий-сиёсий фанлар факультети Педагогика ва умумий психология кафедраси ассистенти*

**Аннотация:** Мақолада Замонавий мактабнинг энг муҳим вазифаларидан бири онгли ва масъулиятли шахсни тарбиялашда бўш вақтни оқилона ташкил қилиш, ўсмирларнинг жисмоний ва маънавий ривожланишида кун тартибига риоя қилишнинг ижобий жиҳатлари, ўқувчи бўш вақтини ташкил қилишга таъсир кўрсатувчи субъектлар таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** замонавий мактаб, кун тартиби, гигиеник режим, меъёр, таълим субъектлари, бўш вақт, таълим сифати, ўзаро манфаатдорлик, бирдамлик.

Бугунги жамият ижтимоий фаол шахсга доимий равишда эҳтиёж сезади ва бу ривожланиш омиллари билан бевосита боғлиқ. Замонавий мактабнинг энг муҳим вазифаларидан бири онгли ва масъулиятли шахсни тарбиялашдан иборатдир. Ривожланаётган жамиятда мамлакат тақдири, унинг ижтимоий - иқтисодий фаровонлиги учун замонавий билимли, маънавиятли, кутилмаган вазиятларда мустақил қарор қабул қила оладиган, ҳамкорлик қилишга қодир, ҳаракатчанлиги, динамизми, конструктивлиги билан ажралиб турадиган, маданиятлараро ўзаро ҳамкорликка тайёр, ўз олдига қўйилган вазифалар учун масъулият ҳиссини туядиган, замонавий билимли, ахлоқли, ташаббускор инсонлар керак. Ўқувчининг таълимдаги муваффақияти, унинг маънавий, жисмоний, физиологик жиҳатдан ривожланиши, саломатлигини сақлаши кун тартибининг тўғри ташкил қилиниши билан бевосита боғлиқ. Ҳозирги кунгача



таълим ва тарбия жараёнида энг катта, аммо эътибордан четда қолаётган муаммолардан бири, бизнингча, ўсиб келаётган авлоднинг кун тартиби, бўш вақти масаласига жиддий эътиборнинг камлиги ҳисобланади.

Мамлакатимизда 90-йилларнинг бошларида кузатилган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ўсмирларнинг бўш вақтини ташкил этиш жараёнини эркинлик, демократия ва инсонпарварлик тамойиллари асосида ривожлантириш имконини берди. Ўзбекистонда ёшлар тарбиясини замонавий асосда ислоҳ қилиш борасида олиб борилаётган ишлар уни бутунги кун эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда илмий асосланган таянч компетенциялар, фазилатлар асосида шакллантиришни талаб қилмоқда. “Ўзлуксиз маънавий тарбия концепцияси”нинг қабул қилиниши бу борада муҳим қадамлардан бири ҳисобланиб, концепцияда тарбияга янгича ёндашув, болада таянч фазилатларни кафолатли шакллантиришда оила, мактабгача таълим, умумий таълим, мактаб, ўрта махсус касб-хунар ва олий таълим муассасалари, маҳаллаларнинг ижтимоий-педагогик имкониятларини тўлиқ рўёбга чиқаришни, улар орасида илмий-методик узвийликни янги даражага кўтаришни тақозо қилиши белгиланган<sup>1</sup>.

Мамлакатимиз аҳолисининг 60% дан ошиғини ёшлар ташкил қилади ва уларнинг таълим олиши, касб-хунар эгаллаши учун замонавий шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2019 йил 30 сентябрдаги “Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида ўқувчи ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва ўсиб келаётган авлоднинг ижодий қобилиятларини аниқлаш ва ривожлантириш, шу билан бирга ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта муҳим ташаббус амалиётга татбиқ этилди. Қарорга мувофиқ “Баркамол



авлод” республика ва ҳудудий марказлари негизида “Баркамол авлод” болалар мактаблари ташкил этилди. Мазкур мактабларнинг асосий вазифаси болаларнинг эҳтиёж ва қизиқишига кўра уларнинг ижодий, бадий қобилиятини ривожлантириш, фойдали дам олишини ташкил этиш, уларнинг қалбига меҳнатсеварликни, касб тайёргарлигининг дастлабки ўқув кўникмаларини сингдиришдан иборат.

“Бўш вақт” тушунчаси “касбийликдан (профессионалликдан)” ташқарида бўлган вақт сифатида таърифланади<sup>2</sup>. Бўш вақт муаммоси ҳуқуқий, психологик, ижтимоий ва тиббий-физиологик жиҳатларда кўриб чиқиладиган муаммо бўлиб, умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун ҳам хослиги унинг педагогик муаммо эканлигини ҳам кўрсатади.

Фалсафий нуқтаи назардан бўш вақтга муайян шахсга тегишли бўлган ижтимоий жараёнларни амалга оширишдан ташқарида бўлган вақт сифатида қаралади ҳамда бўш вақтнинг келиб чиқиши, унинг иш вақти билан алоқаси ва ижтимоий қиймати таҳлил қилинади. Социологик ва иқтисодий жиҳатдан бўш вақт миқдорий ва статистик таҳлил қилиниб, бўш вақт моҳияти ва унинг мазмуни, бўш вақтни ташкил қилишда ижтимоий институтларнинг фаолияти, бўш вақт аксиологияси ўрганилади. Психология инсоннинг ушбу вақтинчалик соҳадаги хатти-ҳаракатларини белгилайдиган эҳтиёжлар ва мотивларга эътибор қаратади. Мазкур соҳаларда бўш вақтнинг турли жабҳалари ўрганилса-да, аммо уларнинг барчасида бўш вақтда инсоннинг жисмоний ва маънавий ривожланиши содир бўладиган ҳукмрон макон эканлиги масаласидаги ёндашуви бир хил. Ижтимоий-тарихий категория сифатида бўш вақт учта асосий йўналиш бўйича тавсифланади: ҳажми, тузилиши ва мазмуни.

Бизнинг фикримизча, бўш вақт воқеликни билишнинг бошланғич нуқтаси эмас, балки жамиятнинг ривожланиши ва фаолиятнинг муҳим томони, чуқур



ижтимоий алоқалар ҳамда муносабатларнинг синтези сифатида намоён бўлади. Ҳозирги техноген цивилизatsия даврида инсон бўш вақтининг сезиларли даражада кўпайиши учун реал имкониятлар пайдо бўлди.

Бўш вақт шахсни шакллантиришнинг муҳим воситаларидан бири бўлиб, ишлаб чиқариш ва меҳнат соҳасига бевосита таъсир қилади. Бўш вақт шароитида салбий жисмоний ва руҳий стрессни бартараф этишга ёрдам берадиган реакцион ва регенератив жараёнлар содир бўлади. Ёшларнинг бўш вақтларидан фойдаланиши маданиятнинг ўзига хос кўрсаткичи бўлиб, бўш вақтни ташкил этиш шакллари орқали ёшларнинг кадриятлар ҳамда уларнинг маданий даражасини тушуниши осонроқ бўлади. Ҳозирги кунда таълим субъектларининг энг қийин, аммо муҳим вазифаси ўсмирларнинг бўш вақтларидан унумли, оқилона фойдаланишга ўргатиш ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2019 йилдаги 1059-сонли Қарори. <https://lex.uz/docs/4676839?ONDATE2=03.01.2020&action=compare>
2. Российская социологическая энциклопедия//Инфра-М,Норма, 1998.-С.121.
3. «Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. 2019 йил 30 сентябрдаги президент қарори.[www.Lex.uz](http://www.Lex.uz)
4. О.Мусурмонова.Юқори синф ўқувчиларининг маънавий маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари// пед.доктори дисс..Т-1993.-Б.364.
5. С.А. Тоштемирова. Кластер ёндашуви асосида умумий ўрта таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш. //дисс.педагогика фанлари фалсафа доктори (PhD ).Чирчиқ-2021.Б.-160.
6. В.А.Сухомлинский .Как воспитывать настоящего человека .-Киев.1975.-С.235.